БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (1031)

7 ФЕВРАЛЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Бизнинг планларимиз (1-бет).

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида (1-бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида (1-бет).

Уй-жой қурилиши — умумхалқ иши. А. Абдураҳмонов. — Блоклардан кўпроқ фойдаланайлик. **Эркин. Азимов.** — Мусобақадошлар (2-бет).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК: **Сен мўл ҳосил олмоқ бўлсанг, шу кунларда қил меҳнат, кўклам яқин, дам ғанимат, ишда ўзингни кўрсат. Б. Шоназаров.** — Бўлим бошқарувчиси ҳикоя қилади. **А. Қосимов.** — Районнинг илғор колхозларида (3-бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ: **Ф. Насриддинов.** — Ҳаёт ва муҳаббат қиссаси (3-бет).

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН, **К. Ячменев.** — Саҳрода жанг (4-бет).

ФАН ОЛАМИДА: **Камол Орифхонов.** — Антибиотиклар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти (4-бет).

Уй-жой қурилишини умумхалқ ҳаракатига айлантирайлик

Шаҳарларимизга, қишлоқларимизга бир назар ташланг! Улар ўз қиёфаларини қанчалик тез ўзгартирмоқдалар. Худди қадимги афсоналарда тасвирланганидек, кечагина бўмбўш ётган ерларда бугун қаторқатор муҳташам биноларнинг қад кўтармоқда, бутун-бутун кварталлар, янги-янги кўчалар барпо этилмоқда. Қаёққа назар солманг, ҳамма ерда тинчликнинг тимсоли бўлган қурилиш! Социалистик шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз ўз чиройини тобора очмоқда, гўзал ва обод бўлмоқда.

Мамлакатимизда бинокорлик ишлари, жумладан уй-жой қурилиши ҳеч вақт сўнгги йилларгадигидек кенг миқёсда олиб борилган эмас. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «ЎССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори халқимизни уй-жой қурилишини бутун бир фронтга айлантиришга даъват этди. Партия ва Ҳукумат ҳозирги вақтда уй-жой қурилишини янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилганлигини ҳисобга олиб, партия ва совет ташкилотлари олдига, бутун совет халқи олдига яқин 10-12 йил ичида мамлакатда уй-жой танқислигини тугатиш вазифасини қўйдилар.

Бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам уй-жой қурилиши тобора кенг қулоч ёймоқда. Эндиликда водопровод, канализация, марказий иситиш манбалари бўлган, Ильич нурлари билан гул-гул очилган янги, кўпқаватли мустаҳкам биноларнинг социалистик шаҳарларимизнинг типик манзараси бўлиб қолди. Уй-жой қурилишининг нақадар катта ҳажмда олиб борилаётганлигини лоақал республикамиз пойтахти мисолида яққол кўриш мумкин. Чор Россияси даврида Туркистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Тошкентда мавжуд 26 минг уй-жойдан атиги 212 таси пишиқ ғиштдан қурилган эди. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб 20 та икки қаватли уй бор эди, холос. Совет ҳокимияти йилларида бошқа шаҳарлар каби Тошкентнинг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборилди. Агар 1956 йилда қарийб 100 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой биноси фойдаланишга топширилган бўлса, 1957 йилда ҳаммаси бўлиб 278 минг квадрат метр уй-жой биноси қурилди.

Лекин уй-жой фондининг муттасил ошиб бораётганлигига қарамай, уй-жой проблемаси ҳали ҳам энг жиддий проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. Бўлиб ўтган область, шаҳар ва район партия конференцияларида кўп жойларда уй-жой танқислиги ҳали ҳам катта эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди, делегатлар уй-жой қурилишини суст олиб бораётган қурилиш ташкилотларининг раҳбарларини ҳақли равишда жуда қаттиқ танқид қилдилар. Ўтган йили бир қанча бинокорлик ташкилотлари уй-жой қурилиши юзасидан берилган топшириқни бажармадилар. Натижада давлат томонидан ана шу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилмади. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида уй-жой қурилиши юзасидан берилган йиллик топшириқ бажарилмади. 1957 йилда «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш ташкилотлари ҳам ёмон ишладилар. Главканинг 159-трести (бошқарувчиси ўртоқ Репин) йиллик планни бор-йўғи 80,4 процент бажарди, холос.

Уй-жой қурилиши юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилмай қолаётганлигига сабаб шундаки, моддий-техника воситалари ҳамда меҳнат ресурслари ҳали ҳам жуда кўп объектларга сочиб юборилмоқда. Бинокорлар ўз вақтида қурилиш материаллари билан таъминланмаётганликлари сабабли кўп вақт бекор туриб қолаётирлар. Қурилишларда индустриал методларни кенг жорий қилиш, даставвал йиғма темир-бетон блоклари ва конструкцияларини қўлланишга ҳанузгача жиддий эътибор берилмаётир.

Бинокорлик материаллари етишмаётганлиги қурилиш ишлари суръатини оширишга жиддий тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида жуда кўп йиғилишларда гапирилди. Лекин қурилиш ташкилотлари, хусусан Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг раҳбарлари бинокорлик ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш, жумладан маҳаллий ресурслардан қурилиш материаллари тайёрлашни йўлга қўйиш масалалари билан жиддий равишда шуғулланмаётирлар. Шу сабабли ҳам кўпгина объектларга қурилиш материаллари жуда узоқ масофадан ташиб келтирилаётир. Жумладан, Оҳангарондаги ва Чирчиқ шаҳридаги жуда катта қурилишларга ғишт Тошкентдан юборилмоқда. Бинокорлик материалларини ташиш учун ҳар йили давлатнинг бир неча миллион сўмлаб маблағи сарф қилинмоқда. Объектларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш соҳасидаги камчиликларни тугатмай туриб, қурилиш ишларини, жумладан уй-жой қурилиши суръатини ошириб бўлмайди. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари маҳаллий ресурс ва хомашёлардан бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари билан яқиндан шуғулланишлари зарур.

Горький автомобилсозларининг ўз кучлари билан уй-жой қуриш соҳасидаги ташаббуси уй-жой шароитини яқин йиллар ичида яхшилашда жуда катта роль ўйнайди. Корхоналарнинг партия ва касаба союз ташкилотлари бу ҳаракатни ҳамма ерда чинакамига умумхалқ ҳаракатига айлантиришлари керак. Улар уй-жой қурилиши учун бутун жавобгарликни пудратчи ташкилотлар зиммасига юклаб қўйиб, бу соҳага эътибор бермаётган хўжалик раҳбарларини тартибга чақиришлари, уй-жой фондини кўпайтириш мақсадида қўшимча резерв ва имкониятларни қидириб топишлари ҳамда ишга солишлари зарур. Уй-жой қурилиши—умумхалқ иши. Партия ва ҳукуматнинг бу соҳадаги кўрсатмалари шараф билан бажарилишини таъминламоқ учун ҳар бир партия ва совет ходимининг ҳамда хўжалик раҳбарининг уй-жой қурилиши юзасидан бўлган шахсий жавобгарлигини ҳар қачонгидан ҳам ошириш лозим.

Уй-жой қурилишини янада кенгайтириш манфаатлари лойиҳалаш ташкилотлари зиммасига гоят катта вазифаларни юклайди. Лойиҳачи-инженерларимиз бинокорларимизни яхши типовой проектлар билан таъминлашлари, бу проектларда темир-бетон блоклари ва конструкцияларидан кенг фойдаланишни, қурилишнинг максимал даражада арзон тушишини ҳамда уйларнинг яшовчилар учун қулай бўлишини назарда тутмоқлари керак.

Қурилиш ишларига раҳбарликни яхшилаб, меҳнаткашларни яхши ва замонавий уй-жой бинолари билан етарли даражада таъминлаш тўғрисида Партия ва Ҳукуматимиз қўйган топшириқларни амалга ошириш учун ҳормай-толмай курашиш—барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муқаддас бурчидир.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

СССР журналистлар союзи ташкилот бюросининг 4 февралда навбатдаги мажлиси бўлди. Нашриётчилик фаолияти билан шуғулланадиган комиссия ва халқаро алоқалар комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. И. Ф. Шипилов нашриётчилик фаолияти билан шуғулланадиган комиссияга раис қилиниб, Д. Ф. Краминов халқаро алоқалар комиссиясига раис қилиниб сайландилар.

Ташкилот комиссиясининг мажлисида Бошқирдистон, Доғистон, Мордовия ва Коми АССР, Хабаровск ўлкаси, Астрахань, Калуга, Кемерово, Мурманск, Новгород, Липецк, Псков, Саратов, Тамбов, Чита, Челябинск областлари матбуот ходимларидан катта группаси журналистлар союзига қабул қилинди.

Шу кунгача СССР журналистлар союзига ҳозирча ҳаммаси бўлиб 5 мингга яқин киши қабул қилинди.

СССР журналистлар союзи ташкилот бюроси совет журналистлари делегацияларини бир қанча чет мамлакатларга юбориш масаласини муҳокама қилди. (ТАСС).

ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЕРСПЕКТИВ ПЛАНИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи ўз корхоналарини янада ривожлантириш етти йиллик планини муҳокама қилди.

Бу планни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда корхонани ихтисослаштиришга, машина ва станоклар паркини алмаштиришга, станок ва машиналарни автоматик асбоблар билан таъминлашга боғлиқ ўнлаб таклиф ўртага қўйилди. Янги план комбинатнинг етти соатлик иш кунига кўчирилажагини эътиборга олиб ишлаб чиқилган.

Комбинат ўзининг лойиҳада белгиланган қувватидан аллақачон ўзиб кетди ва иш суръатини тобора оширмоқда, газлама, ип ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Тошкент тўқимачилари ҳозир ҳар куни қарийб 650 минг метр газлама чиқармоқдалар. Перспектив планда ҳом газламани ҳар суткада қарийб 30 минг метр кўпайтириш кўзда тутилган, меҳнат унуми йигирилган 10 процент ва газлама тўқишда деярлик 7 процент кўпаяди. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ ПЛАНЛАРИМИЗ

„Ўзбекистон ССР беш йиллиги" совхози коллективининг 1958-1960 йилларда пахта ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан мўлжаллаган тадбирлари

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коллективи улуғ Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари сингари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатини зўр хурсандчилик ва қониқиш билан кутиб олдилар.

Совет халқи партия ва ҳукуматимизнинг доно раҳбарлигида халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришмоқда. Партия XX съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги пленумларининг қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажаришда бир мунча ютуқларга эришилди. Совхоз ва МТСларнинг ишчилари, колхозларнинг аъзолари партиямизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш юзасидан яқин йилларда Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги вазифасини муваффақиятли бажариш учун курашаётирлар.

Атрофлича ўрганиш натижасида шу нарса равшан бўлдики, ҳали бизнинг совхозда пахтачиликни ривожлантириш ва хўжаликнинг барча соҳаларини юксалтиришда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган экан.

Шу нарсани айтиш керакки, 1957 йилда ғўзани парвариш қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Натижада пахта ҳосили сезиларли даражада камайиб кетди. Оқибатда пахта тайёрлаш давлат плани атиги 68,7 процент бажарилди. Бор-йўғи 6841 тонна пахта топширилди, ҳар гектар ердан олинган ҳосил фақат 17,8 центнерга тўғри келди.

1957 йилда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан берилган планлар бажарилди. Пландаги 2300 килограмм ўрнига ҳар бир соғин сигирдан 2317 килограммдан сут соғиб олинди. Бироқ яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига олинган чорвачилик маҳсулоти ҳали жуда оз—гўшт 7 центнерни, сут 47 центнерни ташкил этади.

Совхоз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатини муҳокама қилар экан, ана шу Мурожаатни бундан кейин ер унумдорлигини оширишда ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда қўлланма деб билади.

Биз ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан зиммамизга қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

Деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтириш учун 1958 йилда экин майдонини 5550 гектарга, 1960 йилда 5745 гектарга кўпайтирамиз. Экин майдонини кўпайтириш билан бирга пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилини оширишни асосий вазифа деб биламиз.

ПАХТАЧИЛИК ЮЗАСИДАН

1. 1958 йилда 10 минг тонна пахта етиштирамиз, бу 1957 йилдагига нисбатан 3160 тонна ёки 46 процент кўп демакдир. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 27,5 центнерга етказамиз. 1960 йилда ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиб 10600 тонна пахта тайёрлаймиз. 1965 йилга бориб пахта етиштиришни 12500 тоннагача кўпайтирамиз, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил оламиз.

2. Етиштирилаётган пахтанинг таннархини камайтирамиз. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини оширамиз ва пахтачиликни ривожлантиришга сарфланадиган харажатларни камайтирамиз.

3. 1958-1960 йилларда пахтабеда алмашлаб экишга тўла равишда ўтамиз.

4. Пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш учун биз қуйидаги тадбирларни амалга оширамиз.

а) 1958 йилнинг февраль ойи ва март ойининг биринчи ярми давомида 1100 гектар ерга яхоб берамиз;

б) экиш бошлангунга қадар ҳар бир гектарга 200 килограммдан мўлжаллаб суперфосфат тайёрлаб қўямиз;

в) 15 мартгача ерларни ёввойи ўтларнинг илдизларидан тозалаймиз;

г) пахта ерларининг ҳар гектарига 5 тоннадан гўнг тайёрлаб қўямиз;

д) бу йил 3600 гектар ернинг ҳаммасида ғўзани 60х60 сантиметр схемасида квадрат-уялаб жойлаштирамиз. 15 февралгача 70 та квадрат-уялаб экиш агрегати комплектини тайёрлаб қўямиз. Улар билан икки ҳафтали машғулот ўтказамиз, сим тортиб чигит экиш йўлларини пухта ўргатамиз. Техникани ҳозирлашни ва экишга тайёргарликни 1958 йил 15 февралдан кечикмай тугаллаймиз;

е) 1958 йилда ғўза парваришини тўла механизациялаштирамиз, ғўзани 5 марта узунасига, камида 4 марта кўндалангига культивациядан чиқарамиз;

ж) 2000 гектар ердаги пахта ҳосилини машиналар билан териб оламиз.

5. Сув камоб бўлган даврларда сувдан тежаб-тергаб ва рационал фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Биз бунинг учун:

а) 1958 йил 1 майгача секундига 200-250 литр сув чиқарадиган 6 та сув омбори қурамиз;

б) 1200 гектар ердаги ғўзани сунъий ёмғир ёғдириш йўли билан ва трубалар орқали, 500 гектар ердаги ғўзани эса эгат ташлаб суғоришни ташкил этамиз.

ЧОРВАЧИЛИК БЎЙИЧА

1958 йилда сут етиштиришни 1957 йилдаги 337,5 тонна ўрнига 590 тоннага етказамиз. Яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобидан 100 центнердан, 1960 йилда 1200 тоннагача ёки яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига 200 центнердан, 1965 йилга бориб 3 минг тоннага ёки яроқли ерларнинг ҳар юз гектаридан 507 центнерданга етказамиз.

Бу вазифани бажариш учун йирик шохли моллар сонини 1957 йилдаги 495 ўрнига 1958 йилда 600 тагача, шу жумладан сигирларни бултурги 153 бош ўрнига 220 бошга кўпайтирамиз. 1960 йилда йирик шохли моллар сонини 1000 бошга, шу жумладан сигирларни 400 бошга, 1965 йилда 2000 бошга, шу жумладан сигирлар сонини 800 тага ёки ҳар юз гектар ерга 14 талан сигир бўлишини таъминлаймиз.

Моллар сонини кўпайтириш билан бирга уларнинг маҳсулдорлигини ҳам кескин оширамиз. Ҳар бир сигирдан 1958 йилда 1957 йилдаги 2317 килограмм ўрнига 2700 килограммданга етказамиз. 1960 йилда ҳар бир сигирдан 4000 килограммдан сут соғиб оламиз. Сутнинг мойлилигини 1957 йилдаги 3,7 процент ўрнига 4 процентга етказамиз

Гўшт етиштиришни кўпайтириш мақсадида: 1958 йилда 116 тонна, шу жумладан 70 тонна чўчқа гўшти етиштирамиз. Яроқли ерларнинг ҳар юз гектаридан 20 центнердан гўшт етиштирамиз. 1960 йилда 213 тонна гўшт, ёки ҳар юз гектар ердан 38 центнердан, 1965 йилда 436 тонна ёки ҳар юз гектар ер ҳисобидан 76,5 центнердан гўшт етиштирамиз.

Чўчқалар сонини 1958 йилда 800 тагача, 1960 йилда 1000 тагача кўпайтирамиз.

Бунинг учун чорвачиликдаги оғир ишларни механизация асосига кўчирамиз. 1958 йилда йирик шохли моллар учун 250, чўчқалар учун ҳам 250 автопоилка ўрнатамиз. Чўчқалар учун ўзи овқатланадиган 20 та жой тайёрлаймиз. Чорвачилик фермаларида 3 та оема йўллар қурамиз. 100 сигир учун молхона, 400 чўчқа учун чўчқахонани қуриб битказамиз.

Чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш катта роль ўйнайди. Бу йил бела майдонини 1450 гектаргача етказамиз. Ҳар бир гектар ердан эски белаларадан 100-120 центнердан, бу йил экилган белаларадан 40 центнердан пичан йиғиб оламиз. 5015 тонна беда тайёрлаймиз. 1960 йилда бу миқдорни 11240 тоннага етказамиз.

1958 йилда маккажўхори донини 445 центнерга ва силос учун олинадиган кўк пояни 4740 тоннага етказамиз. Ҳар бир гектар ердан 300 центнердан кўкпоя йиғиб олиш учун курашамиз. 1960 йилда маккажўхори донини 1100 тоннага, силос қилинадиган кўкпояни 7110 тоннага етказиб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 400 центнерга кўтарамиз. 1958 йилда ҳар бир сигирга 10 тоннадан, 1960 йилда 12 тоннадан силос тайёрлаш тадбирларини амалга оширамиз.

Агар ўтган йили совхозда дағал пичан 69 процент, ширали ем-хашак 70 процент, концентрат 93 процент тайёрланган бўлса, бу чорвачиликни етарли мустаҳкам емхашак базаси яратиш имкониятини беради.

САБЗАВОТ ВА МЕВА

Ҳозиргача совхозда сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева, боғдорчиликни ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмай келиниб бу экинлардан жуда оз миқдорда ҳосил олинар эди. Биз ўз эҳтиёжимизни тўла қондириш учун сабзавот, картошка, полиз экинлари ҳосилини кўпайтирамиз. Шу мақсадда 200 тонна картошка, 250 тонна сабзавот, 500 тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштирамиз.

1958-1960 йиллар давомида боғлар ва узумзорлар майдонини 150 гектарга кўпайтирамиз. Бу боғларни ва токзорларни юқори сифатли парвариш қиламиз.

ҚУРИЛИШ

1958 йилда қуйидаги объектларни қуриб битказамиз:

1. Совхоз ишчилари ва хизматчилари учун 100 та уй;

2. 300 киши сиғадиган қишлик клубни қуриб тугаллаймиз;

3. 60 ўринли касалхонани қуриб битказамиз;

4. Совхознинг барча бўлимларидаги жамоат ва маданий-маиший биноларни 1 майгача қуриб тугаллаймиз;

5. Йилига 2 миллион ғишт пиширадиган айланма печни қуриб тамомлаймиз;

6. Якка тартибда уй қурувчилар учун қурилиш материаллари етказиб бериш билан бирга уларга 150 минг сўм миқдорида ссуда берамиз.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти, совхоз маъмурияти, барча ишчилар, мутахассислар олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш учун барча кучларини тўла сафарбар этадилар.

Бу тадбир совхоз ишчиларининг умумий мажлисида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

1957 йилда ҳар гектар ердан совет сорти бўйича 30 центнер ва ундан ошириб ҳамда ингичка толали совет сорти бўйича 25 центнер ва ундан ошириб пахта олган колхоз ва совхозларга Қизил байроқлар топшириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1957 йилда ҳар гектар ердан совет сорти бўйича 30 центнер ва ундан ошириб пахта топширган, ингичка толали совет сорти бўйича 25 центнер ва ундан ошириб ҳосил олган колхоз ҳамда совхозларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қизил байроқлари берилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Колхоз ва районларнинг номи	Колхоз раиси, бошланғич партия ва комсомол ташкилоти секретарлари, колхоз агрономининг фамилияси	Пахта майдони (гектар ҳисобида)	Ҳар гектар ердан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)
Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхози	Йўлдошева Ҳакимов Баҳодиров Мирзарабоев	356	42,5
Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз	Убайдуллахўжаев Бойназаров Алимуҳамедов Омароков	1200	35,4
Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз	Бездетний Аширов Аксенова Қодирхўжаев	900	34,4
Сирдарё районидаги «Правда» колхози	Жумабоев Очилов Ериев	340	31,6
Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз	Д. Маманов Алиев Ортиқов И. Маманов	664	32,0
Сирдарё районидаги Сталин номли колхоз	Синдаров Нурсаидов Азимов Каюпов	900	33,2
Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз	Ғиёсов Исломов Юсуфалиев Пирматов	450	40,6
Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз	Мухсимов Юсупов Илёсов Назиров	530	42,6
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз	Эгамбердиев Усмонов Муҳитдинов Азимов	790	39,6
Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз	Манноное Ойтўраев Илёсов Худойберганов	690	38,6
Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли колхоз	Пўлатов Абдуазимов Раҳматов Тўлаганов	400	37,0
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози	Матқобулов Эльбўсинов Маҳмудов Алифиренко	1200	37,9
Оржоникидзе районидаги Сталинград колхози	Маҳсудов Аҳмедов Комилов Икромов	700	35,2
Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхоз	Аъзамов Шаропов Назаров Каримов	217	33,0
Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхози	Тўхтараев Ҳошимов Соколова Тўрабеков	400	30,8
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози	Юнусов Эгамбердиев Қодиров Оқбоев	673	31,8
Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз	Ирисбоев Разов Пўлатов	120	30,1

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида

5 февралда Москвада СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Марказий сайлов комиссияси Иттифоқ Советига сайлов ўтказиладиган Минск қишлоқ сайлов округида ҳамда РСФСР дан Миллатлар Советига сайлов ўтказиладиган Қозон сайлов округида СССР Олий Совети сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан Округ сайлов комиссияларининг раислари М. И. Лагир ва Ю. Г. Олиноков, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари Минск область Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Мицкевич доклад қилдилар. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси П. Е. Шелест Украина ССР даги сайлов округларида сайловга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси мазкур сайлов округларида СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга мувофиқ равишда СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик юзасидан зарур ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади ҳамда Округ сайлов комиссияларига ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш соҳасида бир қанча амалий тадбирларни тавсия этди.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе Округ сайлов комиссияларининг тузилганлиги тўғрисида ҳамда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг СССР халқлари тилларига нашр этилганлиги ҳақида Марказий сайлов комиссиясига ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов куни сафарда бўладиган пассажир поездларида сайлов участкаларини тузишга доир масалаларни ҳам қараб чиқди. Йўллар министрининг ўринбосари Н. А. Гундобин сайлов тўғрисидаги Низомга мувофиқ, сайлов куни сафарда бўладиган гражданлардан сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиш учун пассажир поездларида 428 сайлов участкаси ташкил қилиш талаб этилажагини комиссияга маълум қилди. Шунингдек, у поездларда ва вокзалларда тузиладиган сайлов участкалари учун биноларни жиҳозлаш юзасидан Министрлик томонидан кўрилаётган тадбирларни ҳам айтиб берди.

Денгиз флоти министрининг ўринбосари Н. Н. Долинский сайлов куни сафарда бўладиган кемаларда СССР Олий Совети сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди ва улар юзасидан қарорлар қабул қилди.

СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатиш

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Таштекстильмаш» заводининг 3 мингга яқин ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишига тўпландилар.

Завод партия ташкилоти секретарининг ўринбосари К. Турсунов минбарга чиқади. У, Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб Тошкент-Октябрь сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Суслов**ни кўрсатишни таклиф этади. Механика цехининг ёш ишчиларидан В. И. Середа Иттифоқ Совети депутатлигига ўша сайлов округидан **кандидат қилиб КПСС** Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Екатерина Алексеевна Фурцева**ни кўрсатади Инструментал цехининг слесарь лекальщиги В. Н. Марго Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Фахриддин Хўжаев**ни кўрсатишни тавсия этади.

Машинасозлар Тошкент-Октябрь сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига **Михаил Андреевич Суслов, Екатерина Алексеевна Фурцева** ва **Фахриддин Хўжаев** ўртоқларни кандидат қилиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш округ сайлов олди кенгашига вакиллар сайлади. (ЎзТАГ).

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

Узбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, ҳозирги вақтда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш республикадаги барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир ҳамда улардан уй-жой қурилишини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз вақтида конкрет ҳал қилишни, Партия ва Ҳукуматнинг уй-жой етишмовчилигини битириш тўғрисидаги топшириқларини муддатидан олдин бажаришга эришмоқ учун корхоналарнинг коллективларини уй-жой қуришга актив жалб этишни, уларнинг ижодий куч-ғайратларини резервларни қидириб топиш ва бу резервлардан уй-жой қурилишида максимал фойдаланишга йўналтириб туришни талаб қилади.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қароридан).



Пойтахтимизнинг чиройи кун сайин очилмоқда. **Суратда:** экска ваторчилар шаҳарчасида қурилган янги уй-жой бинолари.
А. Абдуазимов ва Р. Рустамов фотоси.

Блоклардан кўпроқ фойдаланайлик

Қурилиш ташкилотларининг бинокорлари, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқараётган саноат корхоналарининг ишчилари ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётирлар. Қурувчиларимиз бинокорлик материаллари билан яхшироқ таъминланадиган бўлиб қолдилар. Кейинги вақтда йирик темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш бирмунча дуруст йўлга қўйилди. Бунга Олмалиқдаги темир-бетон заводи коллективи ишлаб чиқараётган блоклар ва панеллар мисол бўла олади. Бу корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшиламоқда. Биз ана шу корхонадан Тошкентдаги Шота Руставели кўчасида қурилаётган 56 квартирали уй-жой биноси қурилишига темир-бетон конструкциялари келтираётирмиз.

Яқинда МП-9, П-4 маркали этажлараро панелларнинг катта партиясини олдик. Шуниси қувонарлики, бу бетон конструкцияларининг ҳажми аввалги маркаларидагига қараганда анча ихчам ва енгилдир. Шу билан бирга уларнинг тузилиши содда ва оддий. Ҳарбир бинокор у ёки бу конструкциядаги блокларнинг бинонинг қайси қисмига ўрнатилишини тўла тасаввур қила олади.

Бизнинг объектимиз Тошкентда ҳозирги вақтда қурилаётган бинолар ичида энг намуналиси ҳамда мутлақо янги типдаги лойиҳа асосида қурилмоқда. Шу сабабли бинонинг ҳар бир деталини синчиклаб текшириш, унга ишлатиладиган темир-бетон блокларини авайлаб жойлаштириш талаб этилади. Одатда қурилишни техника жиҳатидан кузатиб бориш асосан десятник ва прорабларнинг зиммасига юклатилади. Лекин бизда ҳар бир бинокор бу масалада ўзини масъулиятли киши деб ҳисоблайди. Биз ҳафтанинг охирги кунларида қурилишда қатнашаётган ёрдамчи ишчидан тортиб барча бинокорларнинг техника кенгашини ўтказиб турамиз.

Янги конструкциядаги йирик темир-бетон блокларини ва панелларини бинокорликда кенг қўлланиш қурилиш суръатларини мисли кўрилмаган даражада тезлаштиради. Афсуски, бизнинг қурилиш-монтаж бошқармамиздаги айрим объектларда ҳали ҳам янги конструкциядаги йирик темир-бетон блокларидан кенг фойдаланилмаётир. Чиланзор массивидаги ҳамда Янгибозордаги уй-жойлар қурилишида аҳвол айниқса ачинарлидир. Лойиҳачилар Янгибозор жут-каноп заводи ишчилари учун қурилаётган икки қаватли ўн икки квартирали биноларнинг проектларини янги конструкциялар асосида тайёрлаган эдилар. Лекин темир-бетон заводларининг айби билан юқоридаги уй-жой бинолари қурилиши учун мўлжалланган типдаги конструкциялар тайёрлаб берилмаётир. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Тошкентдаги мавжуд темир-бетон заводлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам қониқарли эмас. Бунинг устига кўп йиллардан буён янги полигон заводлари қурилиши ҳақида гап боради-ю, лекин амалда бирорта дурust иш қилинмаётир. Олиб борилаётган қурилиш ишларининг бугунги ҳажми бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватидан жуда ўзиб кетди.

Модомики, янги темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш қурилиш суръатини оширишнинг ҳал қилувчи омили экан, Тошкент иқтисодий-маъмурий райони Халқ хўжалиги кенгаши бундай корхоналар қурилишини янада тезлаштириши керак. Қурилиш ташкилотлари эса бинокорликда янги конструкциялардан дадиллик билан фойдаланишга интилишлари зарур.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
32-трест 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг инженери.

„Халқ қурилиши“ йўли билан

Темир йўл Тошкент бўлими ходимлари уй-жой танқислигини тезроқ бартараф этишнинг қулай воситаси бўлган горькийликлар усулини кенг қўлланаётирлар. Умумий ҳажми 6200 квадрат метр бўлган 29 объектда транспортчилар ўз кучлари билан темир йўл бўлими ва унинг корхоналари маблағи ҳисобидан ўзлари учун уй-жой қураётирлар. Яқинда бу бинолардан учтасига уларни қуришда қатнашган ишчи ва хизматчилар кўчиб кирадилар.

Икки қаватли 4,8 ва ундан ортиқ квартирали янги уйларга февраль ойи охиригача юзга яқин хўжалик кўчиб киради. Квартиралар типовой проект асосида қурилган бўлиб, нормал маданий турмуш кечириш учун ҳамма қулайликларга эга.

Коллектив бўлиб уй-жой қураётганларга темир йўл бўлими маъмурияти яқиндан ёрдам бераётир. Партия ва касаба союз ташкилотлари вақти-вақти билан ҳашарлар уюштираётир.

Н. НАСИМОВ.

Беподн Ватанимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидаги синтари областимизда ҳам уй-жой қурилиши ҳажми йилдан-йилга тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Агар 1955 йилда 96,370 квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1956 йилда 157.535, 1957 йилда эса 214.331 квадрат-метр уй-жой биноси қурилди.

Қаранг, сўнгги 3 йил мобайнида фақат хўжалик йўли билан областимизда 468 минг 236 квадрат метр уй-жой қурилган. 1958-1960 йиллар мобайнида эса 3 миллион квадрат метрга яқин, сўнгги 3 йилдагидан олти баравардан зиёд уй-жой қуриш мўлжалланаётир. Бунинг 800 минг квадрат метрдан кўпи якка тартибда қурувчилар томонидан қурилади. Бундан ташқари колхозларда камида 28 минг янги уй қад кўтаради.

Қишлоқларимиз кўркам бўлсин

Колхозларнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олаётган даромадлари йил сайин ошаётганлиги сабабли ҳам қурилиш ишлари кенгаймоқда.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қишлоқларимизни қайта қуриш ишлари ҳали мақсадга тўла мувофиқ равишда олиб борилаётир, деб бўлмайди. Айрим колхозларда қурилиш ишлари таклиф қилинган типовой проектлар асосида олиб борилмаётир, балки ҳар ким ўз билганича уй қурмоқда.

Бу ҳолни, жумладан Пискент райони мисолида кўриш мумкин. Райондаги Булганин номли колхоз қишлоғининг бош плани бор. Бу планга мувофиқ ер участкалари ажратиб ҳам берилган. Бироқ кўпчилик колхозчилар таклиф қилинган типовой проектларга турли хил «тузатиш» ва «ўзгартиш»лар киритиб, уйларни эски типда қурмоқдалар.

Шу колхоз билан қўшни бўлган «Гулистон» колхозида тамомила бошқа бир ҳолни кўрамиз. Бу колхоз аъзолари ўз уйларини таклиф қилинган типовой проектлар асосида қурмоқдалар, уйларнинг томи тунука ва шиферлар билан ёпилмоқда. Бу қишлоқнинг қиёфаси тамомила бошқача.

Пискент район партия ва совет ташкилотлари ҳамда район қурилиш бўлими (бошлиғи ўртоқ А. Гудименко) бош планларга ўз билганича, ўз бошимчалик билан ўзгартишлар киритаётганларга ва шу билан колхоз қишлоғининг умумий қиёфасини бузаётганларга нисбатан мурosасозлик қилиб келмоқдалар.

Колхоз қишлоқларида қад кўтараётган уй-жой ва маданий-маиший бинолар шаҳарларимиздаги бинолардан фарқ қилмаслиги керак.

В. ЖАҲОНГИРОВ,
архитектор.

Ўтган йили мамлакатда 48 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга халқ қурилиши методи асосида 3 миллион квадрат метр уй қурилди. Бундан ташқари, 1957 йили СССР да колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси 770 минг уй қуриб олди.

Агар 1946-1956 йиллар мобайнида Тошкент шаҳрида 365 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, ўтган 1957 йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб 278 минг квадрат метр уй қурилди. Бу йил эса 291 минг квадрат метр уй фойдаланишга топширилади.

1956 йил октябрь ойидан бери Янгиер шаҳрида, Мирзачўлда ташкил этилган янги совхозларда ва ишчилар поселкаларида 60 минг квадрат метр уй-жой қурилди.

Олмалиқ бинокорлари индустриал методларни қўлланиш соҳасида республика бўйича энг олдинда бормоқдалар. Шаҳарда қурилаётган ҳар бир бинонинг 60 процента йирма блок ва деталлардан тикланаётир.

Қурилиш ҳажми кенгаймоқда

Ўтган йили 1-«Далварзин» совхозида 32 хўжалик янги уй қуриб олди. Совхознинг 4-бўлимида артезиан қудуқ қазилди, 20 кишилик меҳмонхона ва болалар яслиси ишга туширилди. Бу йил ишчилар учун катта ошхона, 50 кишига уй-жой ва бошқа жамоат бинолари қурилаётир.

Шунингдек, Бекобод районидаги Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артелида ҳам колхозчиларнинг уй-жой қурилишига катта эътибор берилаётир.

Колхоз даромадининг ортаётганлиги учун якка тартибда уй қуриб оладиган колхозчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Ўтган йили 50 хўжалик ўзига уй қуриб олган бўлса, бу йил камида 75 хўжалик ўз даромадидан уй қуриб олади.

Карл Маркс номли колхоз аъзолари эса йил охиригача 150 та уй қуриб олиш тараддудида.

Резервларни ишга соламиз

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашлар учун энг муҳим ҳаётий проблема бўлиб қолган уй-жой танқислигини яқин 10-12 йил мобайнида тугатиш вазифасини қўйди. Бу вазифани бажариш юзасидан бизнинг заводда ҳам бирмунча ишлар қилинди. Горькийликлар методи асосида ва хўжалик йўли билан ўтган йили 8 та 4 квартиралик ва бир 35 квартиралик уй-жой биноси қуриб битказилди ва уларга 100 га яқин ишчи ўз оиласи билан кўчиб кирди. Бу қурилишларда ишчи ва хизматчилар актив иштирок этдилар. Бундан ташқари 43 киши якка тартибда участка қуриб олди. Завод маъмурияти уларга узоқ муддатли ссуда берди ва бинокорлик материаллари билан ёрдамлашди.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, шу пайтгача хўжалик йўли билан қурилган уйлар ҳамда якка тартибда уй қурувчиларга берилаётган ёрдам ходимларимиз талабини ҳали етарлича қондирган эмас. Уй-жой ва ер участкаси беришни сўраб ариза бераётган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар сони анчагина бор. Уларнинг ҳақли талабларини имкони борича тезроқ қондириш учун биз мавжуд ички имкониятларни кўпроқ қидириб топишимиз ва ишга солишимиз керак бўлади. Бу соҳада биз ўтган йили бирмунча тажриба орттирдик. Корхона маблағига ўз кучи билан коллектив равишда уй-жой қуриш нетагини билдирганларга тегишли ёрдам кўрсатилди. Бу масалалар билан шуғулланадиган махсус комиссия тузилди.

Бу йил қурилиш ишларини, айниқса уй-жой қурилишини 1957 йилдагидан анча кўпайтириш учун бир қанча чора ва тадбирлар кўрилаётир. Завком ва завод маъмурияти томонидан тузилган ҳамда коллектив томонидан маъқулланган планга кўра йил охиригача хўжалик йўли билан ва горькийликлар методи асосида 2275 квадрат метр уй-жой биноси қурилади. Жумладан, 3 та 16 квартирали бино «халқ қурилиши» йўли билан битказилади. Бу биноларни цехларда тежалган материаллар ҳисобига қуришга қарор қилинди. Бу мақсадни амалга ошириш учун коллективимиз, ремонт сифатини яхшилаган ҳолда, ҳар бир паровоз ёки вагонга сарфланадиган материалларнинг 10 процентини тежаш учун курашаётир. Ишчилар ўртасида хомашё ва материал тежаш учун социалистик мусобақа кун сайин қизғин тус олаётир.

Шунингдек, якка тартибда уй қурувчиларга ҳам кўпроқ ёрдам бериш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланаётирмиз. Ходимларимиздан 150 кишига ер участкаси ажратиб беришни сўраб Тошкент шаҳар Советига мурожаат қилганмиз. Агар талабимиз қондирилса, мана шу ер участкаларида иморат қурувчиларнинг ҳар бирига 7500 сўмдан узоқ муддатли ссуда берилади. Якка тартибда уй қурувчиларга амалий ёрдамни кучайтириш мақсадида заводда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан черепица, кесаки, дераза ва эшик сингари бинокорлик буюмлари тайёрлашни йўлга қўйиш чоралари кўрилаётир. Мана шундай материаллар тайёрлаш учун махсус бригада тузилаётир. Шунингдек, ўз кучи ва маблағига уй қурувчиларга хашар йўли билан ҳам ёрдам қилинади.

Булардан ташқари касаба союз комитети маъмурият билан корхона фондининг 50 процентга яқин қисмини қўшимча равишда уй-жой қуриш ва мавжуд уйларни капитал ремонт қилиш ишларига сарфлашга қарор қилди. Бундан кейин ҳам биз уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳамма имкониятларни ишга солиш учун астойдил курашамиз.

И. ГОРБЕНКО,
Октябрь революцияси номли паровоз-ватон ремонт заводи касаба союз комитетининг раиси.

Мусобақадошлар

Майдалаб эзиб ёғаётган ёмғир тўсатдан қорга айланди. Ҳавонинг қўқ-қисдан ўзгариб кетганидан ранжиган Шодиев бошлиқ бригада сувоқчилари ишни жой-жойида тўхтатиб ётоқхонага қайтишга мажбур бўлдилар.

Эртаси куни ҳам совуқ бўшашмади. Шундай бўлса ҳам сувоқчилар кеча бошлаган ишларини тугатиб қўйиш учун қурилиш объектига келдилар. Лекин усти яхлаб ётган лойга қўл уриб бўлмасди. Шу пайт улар сувоқ қилаётган бино ёнидаги энди фундаменти тикланган объектга бирин-кетин уч самосвал машинада ғишт туширилди. Бригада бошлиғи Файзи Шодиев ҳамкасбларига:

— Нима қиламиз, қизлар? Ётоқхонага бориб қўлни қовуштириб ўтиргандан кўра қўшниларимизга ёрдам бермаймизми, ғишт териш қўлимиздан келади-ку, — деди.

— Тўғри, бекор тургандан-бекор ишла дейди халқимиз, дейишди бригада аъзолари. — Мингта ғишт теріб берсак ҳам ҳарна-да.

Улар энди ғишт теришга тайёргарлик кўраётган эдилар, мусобақадош сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Нусрат келиб қолди.

— Салом, Файзи, салом ўртоқлар! Ишлар қалай? — деди у самимий кўришгач. — Нега бир-бирларингизга қараб бекор турибсизлар, ёки иш ўрнига чўпчак айтишмоқчимисизлар.

— Ундай эмас, — ҳамма учун жавоб берди Файзи, — биз мана бу ерда ғишт термоқчимиз. Ўзларингиз нима қилаяпсиз, янги шаҳар қурилиши қандай бораётганини тамоша қилиб юрибсизлар дейман? — ҳазиллашди Шодиев.

— Йўқ, ўртоқ, бизнинг йигит-қизлар ўзинг кўрган жойда ишлашаяпти, сувоқ қилишаяпти, жавоб берди Нусрат.

— Сувоқ қилишаяпти? — ҳайратланиб бирнеча киши баравар сўрашди.

— Ҳа, сувоқ қилишаяпти. Ишонмаганлар борib кўрсин.

Файзи ва унинг шериклари шундай совуқда — лой қўлқопга чиппачиша ёпишиб музлаб қолаётган шароитда қандай қилиб ишни давом эттираётганларини Нусратдан сўраб кетишди.

— Астойдил ҳаракат қилсанг чораси топилмайдиган иш йўқ, — деди Нусрат.

У, Файзи ва унинг шерикларини нарироқда турган бочка олдига олиб борди.

— Мана шу бочкага қанча сув кетади, — сўради Нусрат.

— Юз литр кетади, — жавоб берди, гап нимада эканлигини билмаганидан ҳайрон бўлган Файзи.

— Мана шу бочкага иссиқ сув солинг, унга бир килограмм туз қўшинг-да лой қораверинг. Шунда лой 2-3 соатгача музламай, илиқ туради.



Суратда: Н. Золотухина, бригада бошлиғи Нусрат Неъматов, К. Чурилова, С. Хошимов ва Т. Муҳамадиев ўртоқлар.
Фото авторники.

Бу вақтда эса бир бочка лойни бемалол ишлата оласизлар. Биз мана шундай қилиб, қишда ҳам ёздагидек суръат билан ишлаётирмиз.

— Наҳотки, 2-3 соат иссиқ турса? — ишонқирамай сўради сувоқчи қизлардан бири.

— Туради, мен буни бир неча йил бурун Сибирда — рус оғайнилардан ўрганганман. Ўз қўлим билан минг марталаб шундай қоришма тайёрлаганман. Мана энди ўша тажриба ҳозир қўл келиб қолди, — деди Нусрат ва биринчи лойни ўзи бош бўлиб қориб берди. Шодиев ва унинг шериклари бу новатор сувоқчига қайта-қайта раҳматлар айтиб, уни кузатиб қолишди.

Бухоронинг саратон иссиқларида сувоқчиликни ўрганган Нусрат қаҳратон қишда ҳам бинокорликни тўхтатмай давом эттиришни Сибирда ўрганган. Ёш ўзбек бинокори мамлакатимиз пойтахтида совет меморчилигининг буюк тимсоли бўлган Москва Давлат университети қурилишида, Комсомол майдони, Қозон вокзали ва Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қурилишида актив қатнашди. Бу қурилишларда Нусрат Неъматов бой тажриба орттирди.

Мана тўрт йилдан бери у катта Оҳангаронда ишлаб келмоқда. У, аҳил ва ишчан бригада тузиб юздан ортиқ бинони сувоқдан чиқарди ва пардозлади. Ҳозирги пайтда унинг бригадаси донгдор сувоқчи Файзи Шодиев бошчилигидаги бригада билан мусобақалашиб, иш суръатини кун сайин оширмоқда. Ҳар икки бригада аъзолари СССР Олий Советига бўладиган сайловни 4 ойлик нормани бажариш билан кутиб олишга аҳд қилган. Бу мусобақада гоҳ у, гоҳ бу бригада аъзолари ғолиб чиқаётирлар. Ҳар икки бригада аъзолари бирор янгиликни қўлласалар, дарҳол уни бошқаларга ҳам ёйишни ўзларининг фахрли бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Эркин АЗИМОВ.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК

Сен мўл ҳосил олмоқ бўлсанг, шу кунларда қил меҳнат, Кўклам яқин, дам ғанимат, ишда ўзингни кўрсат.

☆

Янгийўл районидаги 1-МТС механизаторлар муваффақияти

Пахтакорларнинг Москвада бўладиган Бутуниттифоқ Биринчи қурултойи ҳамда СССР Олий Совети сайловлари шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Янгийўл районидаги 1-МТС коллективи трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонтдан чиқариб, кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйди. МТСдаги мавжуд 101 универсал трактори, шунингдек 29 ДТ-54 трактори, 97 сеялка, 106 осма культиватор, 175 ЗИГ-ЗАГ барона, 35 плуг муддатидан илгари ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тайёр қилиб қўйилди.

МТС механизаторлари трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сифатли ремонтдан чиқаришга алоҳида эътибор бериб, яхши натижаларга эришдилар.

Шу кунларда МТСда квадратуялаб чигит экиш экипажи аъзоларини ўқитиш ҳамда бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш ҳар тарафлама кучайтириб юборилган.

Ўрта Чирчиқ МТСининг механизаторлари трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини муваффақиятли тугаллаб кўкламга пухта тайёрланмоқдалар. **Суратда:** илғор ремонтчи ишчи ва механизаторлардан (чапдан ўнгга) **С. Муҳаммаджонов, К. Салтоев, В. Сафонов** ҳамда **М. Раҳматов** ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

☆

Районнинг илғор колхозларида

Верхне-волинск районидаги «Победа» ва Максим Горький номли колхозларнинг азамат пахтакорлари ҳар йилгидек ўтган йили ҳам барча майдонлардан мўл ҳосил йиғиб олишга эришдилар. Зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла бажардилар. Ҳозир бу колхозларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилган.

Уч йил ичида гектаридан олинадиган ҳосилни 6 центнердан оширган «Победа» колхози аъзолари бу йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатидан руҳланган ҳолда ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш учун барча зарур тадбирларни амалга ошираётирлар.

Ҳар иккала колхозда пахта майдонларини шудгорлаш асосан тамомланди. Шу кунларда барча эътибор суғориш шохобчаларини тартибга солиш, далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқариш каби соҳаларга қаратилган.

«Победа» колхозида ўртоқ Пай Николай бошлиқ маҳаллий ўғит тўплаш бригадаси ташкил қилинган. Колхоз правлениеси бу бригадани етарли миқдорда транспорт билан таъминлаган. Маҳаллий ўғит мўл ҳосил гарови эканлигини яхши тушунган бригада аъзоларидан Б. Рафиқов, Б. Машуров каби ўртоқлар ҳар куни далага 7-8 тоннадан гўнг ташиб, бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Максим Горький номли ва «Победа» колхози аъзолари давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб олиш билан бирга, 2-3 минг тоннадан маҳаллий ўғит жамғардилар.

А. ҚОСИМОВ.

Гўнг—мўл ҳосил гарови

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг далага маҳаллий ўғит чиқаришда комсомол ёшлар бригадаси ташкил қилиш ҳақидаги кўрсатмасини бажариш учун курашаётган Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари бу соҳада яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Гўнг ташиш учун ажратилган 20 дан ортиқ арава тўхтовсиз ишлаб турибди. Ҳар куни пахта майдонларига 40 тоннадан ортиқ гўнг ташиб чиқарилмоқда.

Аравакашлардан М. Абилов, Х. Турсунов, Т. Ўрмонов, Р. Усмонов каби ватанпарвар ёшлар жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Бу ўртоқлар колхоз бўйича шу кунгача 2 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит жамғариш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, ёшлар суғориш шохобчаларини тартибга солиш ишларида ҳам бошқаларга намуна бўлаётирлар. Натижада шу кунгача 3,5 минг кубометрдан ортиқ ариқ-зовурлар қазиб тамомланди.

Райондаги Ленин номли, «Сталинград», «Ленинград», Сталин номли колхозларнинг азамат пахтакорлари ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата ёзган Мурожаатидан илҳомланиб, маҳаллий ўғит тўплаш, ариқ-зовурлар қазиш, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини мавсумга тахт қилиб қўйиш, шу йўл билан 1958 йилда мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Қ. МУҚИМОВ.
Н. ҚАЮМОВ.

Бўлим бошқарувчиси ҳикоя қилади

— Оббо жияней, шундай дегин ҳали, — деб ғап бошлади «Мирзачўл» совхози 3-бўлимининг бошқарувчиси Давронбек Суярқулов. — Мирзачўл кенг, аммо биз ўз номимиз билан мирзачўлликмиз, қишлоғимиз ҳам Мирзачўлнинг белига жойлашган. Илгари у Еттисой деб аталарди.

Ҳозир Мирзачўл илгариги Мирзачўл эмас. Илгари бир туп дарахт анқонинг уруғи бўлган бизнинг мана шу қишлоқда эндиликда боғлар, узумзорлар, беполён пахта далалари вужудга келди. Ахир, буларнинг ҳаммасини ўтмишда «Чорвадор-кўчманчи ўзбек» бўлган бизлар партия, ҳукуматимиз раҳбарлигида ўз қўлимиз, ўз ҳалол меҳнатимиз билан бунёд қилдик. Бу ерда қайнаётган ҳаётни кўриб эвқланасан киши, яшаган сари яшагинг, бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилгинг келади!

Атрофимизда ўзлаштириб пахтазорга айлантириш мумкин бўлган юзлаб гектар қўриқ ерлар бўлишига қарамасдан ундан фойдаланишга ҳеч имкон йўқ эди. Мавжуд экин майдонларидан оладиган ҳосилимиз ҳам 18-20 центнердан ошмасди.

Газеталардан 35-40 центнердан ҳосил олаётган колхоз-совхозлар ҳақида ўқиб, уларга ҳавасим келарди. Қани энди биз ҳам ялпи ҳосилни 30 центнерга етказа олсак, даромадимиз мўл, ҳаётимиз янада фаровон бўларди, деб орзу қилардим. Бу йўлни партия ва ҳукуматимиз кўрсатиб берди. Атрофдаги бир неча қолоқ ва камқувват колхозлар бирлашиб, «Мирзачўл» совхозини туздик. Қудратли техника билан тўлатўкис қуролландик, етарли миқдорда минерал ўғитлар олдик. Ҳосилни оширишнинг дастлабки гарови бўлган тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини тўғри изга солиш ишларини кенг кўламда бошлаб юбордик.

Ўрни келганда яна шуни ҳам тан олиш керакки, илгари бизлар ижтимоий меҳнатдан оладиган даромаддан кўра кўпроқ шахсий хўжаликдан оладиган даромадга ишонар эдик. Энди ижтимоий меҳнатдан кўплаб даромад олгач, шахсий хўжаликдан келадиган даромад бизни қизиқтирмай қўйди.

1957 йилда қўлга киритган даромадимизни 1956 йилги даромадга солиштириб қараганимизда ўтган йили ўнлаб хўжалик, жумладан Раззоқ Ҳолназаров ойлаги 3688 сўм, Турдибек Дониёров ойлаги 3112 сўм ортиқ даромад олганлиги маълум бўлди.

1957 йилда бўлимимиз ишчилари мавжуд 420 гектар ернинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил топширди. Абдулла Эшбеков, Ўнгар Хўжабеков бошлиқ бригада ишчилари 27-28 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиб, бу ерларда ҳам юқори ҳосил етиштириш мумкин эканлигини амалда кўрсатдилар.

1958 йилда мўл ҳосил етиштириш, областимизнинг илғор хўжаликлари сафидан ўрин олиш учун курашни қизитиб юбордик. Ҳозир 420 гектар ернинг ҳар гектарига 130 килограммдан суперфосфат солиб тўлиқ шудгор қилиб қўйдик. Бу ишларни бажаришда Худойқул Ўсаров, Неъмат Исломов каби илғор механизаторлар айниқса ғайрат билан ишладилар.

Ҳозир улар кўклам экиш кампанияси учун ДТ-24 универсали ва экиш агрегатларини ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйдилар.

Бўлимдаги барча ишчилар ҳозир далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалашга сафарбар қилинган. Асад Матқобулов ўзининг ГАЗ-51 автомашинасида Мирзачўл станциясига ҳар куни тўрт марта қатнаб, 9-10 тоннадан азот ва фосфор ўғитлари ташимоқда.

Бўлимимиз ишчилари бу йил ўзларига биркитилган 420 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан жонажон Ватанимизга 25 центнердан ёки 1957 йилдагига нисбатан 3 центнер кўп пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу шарафли вазифани муваффақият билан бажариш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Биз астойдил ишлаб барча қишки тадбирларни пахтакорларнинг Бутуниттифоқ биринчи қурултойи очилиш кунигача тугаллаш, барча техникани кўкламга тахт қилиб қўйиш учун курашмоқдамиз.

Б. ШОНАЗАРОВ.

Квадрат-уялаб чигит экишга тайёрланмоқдалар

Тилла Иногомов бошлиқ бригада аъзолари бу йил барча ерга 50х50 схемасида квадрат уялаб чигит экиш учун пухта тайёрланмоқдалар: экин майдонлари сифатли шудгор қилинган. Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам ғоят уюшқоқлик билан ўтказилиб, ҳозиргача 4895 метр ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бригада аъзоларидан Р. Рихсиева, Н. Туланбоев, С. Эгамбердиева, Ж. Ғуломовлар қишки тадбирларнинг амалга оширилишда кўпчиликка намуна бўлиб меҳнат қилаётирлар.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг бу илғор бригада аъзолари СССР Олий Совети сайловлари шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб кўклам дала ишларини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Қ. СОБИРОВ.

Колхоз чорвачилиги ривожланмоқда

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам йил сайин ривожланаётир ва хўжаликнинг сердаромад тармоқларидан бирига айланмоқда. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти бу муҳим соҳани ҳар тарафлама ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Колхозда ҳозирги кунда 3021 бош қўй-эчки, 312 бош қорамол, 100 бош сигир, 214 бош от, 54 бош хўкиз, 206 та чўчқа, 84 бош бузоқ бор.

Колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига ёғ, гўшт ва сут етиштиришда яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисидаги Чақириғига амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш соҳасида ўтган йили бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар.

Масалан, фермадаги 80 бош соғин сигирлардан мажбуриятдаги 104 тонна ўрнига 115,5 тоннадан ортиқ сут соғиб олинди. Тося Жукова, Бория Латипова, Ася Габидуллина каби илғор, тажрибали сут соғувчилар ўзларига биркитилган 12-14 бош соғин сигирнинг ҳар биридан пландаги 1300 литр ўрнига 2200-2400 литрдан сут соғиб олиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Колхоз чорвадорлари қиш даврида ҳам сигирлардан бир меёрда сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. Ҳар бош сигир кунига ўртача 30 килограммдан беда, 5 килограммдан шўлха, 3 килограммдан кунжара, 2 килограммдан кепак ва бошқа озиқлар билан боқилмоқда.

Ўтган йили сигирлар зоотехника қоидалари асосида парвариш қилиниб, 100 бош сигирдан 100 бош соғлом бузоқ олинди.

Колхоз хўжалигида чўчқачилик ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Илгари чорвачиликнинг бу сердаромад соҳасига етарли эътибор берилмас эди. Эндиликда чўчқачиликни ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Колхоз правлениеси 1955 йилда 40 та чўчқа сотиб олган эди. Ҳозир бу чўчқаларнинг сони 206 тага етди. Ўтган йили 13 та она чўчқанинг ҳар биридан пландаги 14 ўрнига 15 тадан чўчқа боласи олинди.

Колхозда ўтган йили давлатга гўшт топшириш муваффақиятли бажарилди. Давлатга топширилган 65 тонна гўштнинг 40 процентини чўчқа гўшти ташкил қилади.

Чўчқаларни парвариш қилиш иши ҳам яхши уюштирилган. Чўчқалар янги қурилган типовой бинолларда боқилаётир. Чўчқабоқарлардан — Роза Данилова ва Татьяна Загорозова каби ўртоқлар айниқса яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Чорва қишловини намунали ўтказиш молларнинг қишдан семиз ва соғлом чиқишининг гарови эканлигини яхши тушунган колхозчилар чорва қишловига ўз вақтида тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор бердилар. Бунинг учун етарли миқдорда ем-хашак жамғарилиб, чорва моллари қишлайдиган бинолар сифатли ремонт қилинди. Колхоз чорвадорлари қишлик ем-хашак тайёрлашга ёз ойларидаёқ киришиб, 600 тонна ўрнига 630 тонна беда, пичан, янтоқ жамғардилар, 210 тонна шўлха, кунжара ва кепак тайёрладилар. Пландаги 450 тонна ўрнига 500 тоннадан ортиқ силос бостирилди. Бу эса, колхоз чорвасининг қишдан семиз ва соғлом чиқишини таъминламоқда.

Колхоз чорвадорлари ўтган йилги эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, бу йил ҳам чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва унинг таннархини камайтириш учун астойдил курашаётирлар.

А. ҲАКИМОВ,
А. ИМОМОВ.

☆ ☆ ☆

Қорасув районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор сут соғувчиси Жамила Йўлдошева ўтган йили ўз боқимидаги 14 бош сигирнинг ҳар биридан 3500 литрдан сут соғиб олди. Ўртоқ Йўлдошева бу йил ҳам кўпроқ сут соғиб олиш учун курашмоқда. **Суратда: Жамила Йўлдошева** ўз боқимидаги сигири билан.

Т. Ғойибов фотоси.

☆ ☆ ☆

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Ҳаёт ва муҳаббат қиссаси

Ёзувчиларимиз шу йил Ватанимиз пойтахти шонли Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасига муносиб совғалар билан қатнашиш ниятида қизғин ижодий тайёргарлик кўрмоқдалар. Шеър ва поэмалар, повесть ва романлар яратилмоқда. Буларнинг кўплари газета ва журналларимизда эълон қилиниб, талабчан китобхонларимиз муҳокамасига ташланмоқда. «Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йилги сонларида босилиб чиққан Султон Акбарийнинг «Гирдоб», Шукруллонинг «Россия», Жуманиёз Жабборовнинг «Гулшан» поэмалари ва бошқа шу каби асарлар бунга тўла гувоҳлик бера олади. Булар ўзларининг тематикаси эътибори билан ҳам, ғоявий кучи ва бадиий салмоғи билан ҳам китобхон эътиборини ўзига жалб эта оладиган, унга эстетик завқ бағишлай оладиган асарлардир.

Шоир Султон Акбарий ўз поэмасида Ўзбекистоннинг революциягача бўлган фожиали манзараси, инсон ҳуқуқи поймол қилинган феодал тузуми шароитидаги мудҳиш ҳаёт картиналарини, сийнаси чок бўлган жафокаш оддий халқнинг мавжуд тузумдан норозилиги ва қаҳр-ғазабини, революцияга томон боraётган ва ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга отланган бу халқ тантанасини ифодаласа, шоир Шукруллонинг «Россия»сида улуғ рус халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги бузилмас дўстлик, қон-қардошлик мотивлари тараннуй этилади.

Ёш шоир Жуманиёз Жабборовнинг «Гулшан» поэмаси эса инсонликнинг энг гўзал фазилатларидан бири — муҳаббат ва вафо темасини ёритишга бағишланади.

Шуни айтиш керакки, ҳар уччала автор ҳам поэма темасини ёритишда ўзига хос йўлдан борганлар ва поэмада олдига қўйилган мақсадни китобхонга етказишга муваффақ бўла олганлар.

Биз бу ўринда «Гулшан» поэмаси устида бир-икки оғиз тўхтаб ўтмоқчимиз.

Поэма ёш авторнинг биринчи йирик асаридир. Шунинг учун ҳам унда айрим камчиликларнинг бўлиши табиийдир. Лекин ундаги жўзъий камчиликларга қарамай, асарнинг умум салмоғи, қўйилган масаланинг нечоғлиқ тўғри ва асосли акс эттирилганлиги, бадиий таъсир кучи диққатга сазовордир. Бу нарса авторнинг асар темасини танлашдагина эмас, балки поэманинг сюжет композициясида, характерлар яратишда, тилнинг образлилигида кўринади.

Асардаги маълум сюжет ипига чизилган воқиалар бошдан охиригача китобхонни ўзидан узоқлаштирмайди. Китобхон асар билан танишар экан, йўл-йўлакай автор билан ҳамсуҳбат бўлиб боради. Ҳаёт қайнаган меҳнат даласини кўради. Асар қаҳрамони Гулшан, унинг севган ёри Дониёр ҳамда Қодирлар билан танишади. Уларнинг руҳий ҳолат, шодлик ва қайғуси билан ошна бўлади.

Тасвир этилишича, Гулшан турмуш қурган севган ёри Дониёр билан бирга муҳаббатнинг сеҳрли энларини ўткazган жувон. Гитлерчи фашистлар Ватанимиз тупроғига бостириб киргандан сўнг, Гулшан Дониёрини фронтга кузатади, кўп вақт ўтмай севги ва ҳаловатидан ажралади. Дониёр фронтда ҳалок бўлади. Аммо унинг Гулшан қалбида қолдирган оташин муҳаббати асло сўнмайди. Гулшан муҳаббатга гард юқтирмасликка аҳд қилган. Бироқ, ҳаёт олдинга интилади. Гулшаннинг аввалги севгиси билан боraётган танҳолик йўлида Қодир учрайди. Қодир Дониёрнинг жанговар дўстларидан бўлиб, унинг сўнгги видолашув сўзини Гулшанга етказган йигит. У Гулшанга меҳрибонлик қилади. Унинг қайғусини енгиллатиб, руҳини кўтаради. Гулшан бу уйланмаган йигит сиймосида Дониёрда бўлган сифатларни кўради. Вақтлар ўтиши билан Қодир ва Гулшан ўртасидаги самимий муносабат муҳаббатга айлана боради. Буни Қодир ҳам, Гулшан ҳам сезади. Аммо ўзларини сезмаганга солади. Атрофдагилар ҳам улар ўртасидаги муносабат сирини пайқай бошлайди. Шундан кейин Гулшан бу тўғрида ўйлаб кўришга мажбур бўлади. Ниҳоят, ҳаёт ҳукмига қулоқ солмай иложи йўқлигини тушунади. Дониёр билан руҳан гаплашади. Ундан кечирим сўрайди. Қодир муҳаббатининг «шаффоф тўлқини» унинг бутун ихтиёрини олиб қўйганини айтади.

Тополмадим бошқа бир даво,
Девонавор севибман уни.
Сен қалбимда қоласан, аммо,
У — қалбимнинг шаффоф
тўлқини.

Поэма ана шундай мисралар билан тугайди. Китобхон кўз ўнгида Гулшан поёнсиз оҳи-зорлар билан ўзини хазон қилиб боraётган Гулшандан, ҳаёт қонунига бўйсуниб, яшнаб-яшариб боraётган Гулшанга, чинакам Гулшанга айланади.

Зотан поэмадан кузатилган мақсад ҳам шу. Чунки ҳаёт фақат ўлганга аза тутиб юришдангина иборат эмас ахир. Шоир айтгандек:

Табиатда ўзгариш қонун:
Тун ортидан бошланади кун.
Айланади фасллар такрор,
Ёздан сўнг куз, қишдан сўнг
баҳор...
Қалбни чил-чил этган қайғу ҳам
Бир кун келиб топажак барҳам.

Поэманинг ғоявий мазмунини ташкил этган нарса фақат бугина эмас. Автор асарда реал воқилигимиз учун энг муҳим бўлган алоҳида масалаларга ҳам ўз муносабатини билдириб боради. Социалистик ҳаётимиз воқиа-ҳодисаларни, тинч ва фаровон турмушимизнинг лавҳаларини акс эттиради. Ватанимиз душманларига нафрат ва газаб ҳисларини ифода этади. Немис-фашист босқинчилари ва уларнинг қабиҳ башараларини кўрсатар экан, «Бу дунёда эй фашист ҳайвон сендан тубан яна нима бор!» деб ҳайқиради. Ёшликни, гўзал ҳаётни олқишлаб унга мадҳиялар ўқийди.

О сен ёшлик, беғубор фасл,
Туйғуларнинг қайнар булоғи,
Бебаҳосан, кўркам ва асл,
Сен умрнинг баҳори, боғи.
Сен ҳаётга, умрга чирой.
Сени кулдай кўкка совуриб,
Қадрламай, ўтда қовуриб,
Бемеҳнату, беишқ, бемаҳбуб
Ўтганларнинг аҳволига вой!

Поэма негизини ташкил этган ва унинг лирик мазмунини кучайтирган мана шу фалсафа асарда ўзининг тўла ифодасини топган. Шоир Гулшан ва Дониёр муҳаббатини айниқса зўр эҳтирос билан куйлайди ва шу йўл билан бу муҳаббатнинг гуркирашига шикаст етказган лаънати урушни қаттиқ қоралайди.

Поэмада коллектив ҳаёт, ҳур ва ҳалол меҳнатни акс эттиришга бағишланган лавҳалар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шоир уруш, ҳижрон, ёлғизлик, нохуш хабар воқиаларини акс эттиришда қаҳрамонлар руҳига хос қайғули, ҳазин ва айни вақтда жанговар лавҳалар чизади. Масалан.

Сўнг... «қора хат». Гулшан
қалбини
Яшин каби ёқди шум дарак.
Жудоликнинг оғир зарбини
Кўтармакка қодирми юрак?!
Чашма янглиқ оқди кўз ёши,
Остин-устин айланди дунё.
Заҳар бўлди ичганда оши,
Фарқ этолмас ўнгими, рўё?
(10-бет).

Тўй-тантана, коллектив меҳнат, қувончли дамлар картинасини акс эттирганда автор қалами «қўш чилдирмадай даранглайди».

Ёз ойида бўлди тўйлари,
Катта ҳовли қиз-йигит тўла,
Дарахт таги, ҳовуз бўйлари
Одамларга тўлди бир йўла.
Даранглайди қўша чилдирма,
Қизлар тинмай айтар ёр-ёр,
Қуёв-келин ўтирар тўрда,
Висол шавқи билан беқарор.
(8- бет).

Автор муваффақиятини кўрсатувчи бу каби мисолларни поэманинг истаган жойидан келтириш мумкин. Шоир Жуманиёз Жабборов поэмани яратишда Пушкин, Лермонтов, Твардовский, Х. Олимжон, Уйғун сингари устоз шоирлар изидан бориб, ўз поэтик маҳоратини тўла-тўкис намойиш эта олган. Ундаги тил ва стилнинг равон, ўйноқи ва образлилиги, поэма воқиасини ҳикоя этишдаги ўзига хос йўсини буни тўла тасдиқлайди.

Бу, албатта поэмада ҳеч қанақа нуқсон йўқ, деганимиз эмас. Поэмада автор томонидан ғайри ихтиёрий равишда йўл қўйилган айрим камчиликлар бор. Буни биз умумасар воқиасини баён этишдаги айрим ҳолларда кўришимиз мумкин.

Маълумки, автор поэма воқиасини ҳикоя этишда қаҳрамоннинг руҳий кечинмаси приемини қўллайди ва бутун воқиани Гулшаннинг даладан ҳаяжонланиб қайтиши, овқатга ҳам қарамай уйга кириб, рўпарада осиғлиқ турган суратга тикилганича ҳаёл суриши орқали беради. Шоир Гулшаннинг хаёли орқали унинг Дониёр билан бўлган севгисини, Дониёрнинг урушга кетиши, ҳижрон азоби, «шум хабар», Қодир билан учрашуви, Қодирнинг биографияси — ҳамма-ҳаммасини тасвир этади.

Дониёр ва Қодир туфайли қизда рўй бўлган мураккаб ҳолат «ақл ва эҳтирос» курашини кўрсатиб беради. Қиз, юқорида айтиб ўтганимиздек, Дониёр суратига мурожаат қилиб, ундан руҳан кечирим сўрайди. Қодир муҳаббатига ўз қалбидан ўрин беради. Лекин автор асарнинг умумий воқиаси ичида келадиган эпизодик воқиаларни (масалан, Дониёр ва Қодирларни) кўрсатишга бағишланган ўринларда бу воқиаларни қизнинг руҳий ҳолати унинг хаёли орқали бераётганлигини бир қадар эсдан чиқариб қўядики, бу ҳол қўлланилган приём характерига тамомила зиддир. Поэмада ҳикоячи авторнинг ўзи бўлиб қолади. Тўғри, шундай бўлиши ҳам мумкин. Бошланишда, қиз хаёлини бериб, кейин уни авторнинг ўзи давом эттириб кетиши ҳам, шундай приёмлан фойдаланиш ҳам мумкин. Бироқ, шундай пайтда, асар воқиасини баён этиш жараёнида, қиз хаёлини, унинг ҳолатини қайд этишдан воз кечиш керак бўлади. Уни муқаддима ва хотима қисмларида кўрсатишнинг ўзи кифоя қилади. Йўқ, агар автор, асар воқиасини баён этишда қизнинг хаёлдан ўтказиши приёмидан борса, у вақтда маълум изчилликка риоя қилиши керак бўлади. Поэмада ана шу изчилликка путур етган. Натижада қизнинг хаёли билан автор ҳикояси ўртасидаги чизиқ сезилмай кетади. Автор бир воқиани (IV, V, VI, VII, VIII, IX, X боблар) бошдан охиригача ҳикоя қилиб бўлиб, сўнг шу вақтда иштирок этган, ҳозирда суратга қараб, хаёл денгизига ғарқ бўлган қаҳрамонга юзланади. Аммо шунда ҳам қаҳрамоннинг бу воқиа ҳикоясидан қанчалик таъсирланганини, унинг руҳидаги ўзгаришдан бирон хабар бермай, бунинг ўрнига ўз лирик чекиниши йўли билан ўз ҳиссиётини қайд этади, холос. Бизнингча автор ҳикоя давомида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатиб берса, ўз лирик чекинишини қаҳрамон ҳиссидан ўтказган ҳолда, унинг руҳидаги ўзгаришни кўрсатишга бўйсундириб, шу тарзда бир воқиа билан иккинчи воқиани улаб юборса, воқиалар боғланиши ўртасидаги ғализлик анчайин бартараф этилган бўлар, поэмага ҳам сайқал берган бўлар эди.

Жуманиёз поэманинг ғояси системасида ҳам янги йўл тутган. Поэманинг биринчи икки тўртлигига назар ташласангиз авторнинг янги йўлдан боришга интилганини дарҳол сеза оласиз. Бу икки тўртликнинг биринчи, иккинчи мисралари ўзаро (ҳориб, қизариб ёки куйлашиб, сўйлашиб тарзида) қофияланади-да, шу тўртликнинг учинчи-тўртинчи мисралари кейинги тўртликнинг учинчи, тўртинчи мисралари блан қофияланади. Ундан кейинги тўртликлар маъно оқимига мос оҳанг билан давом этади. Шунга қарамай, айрим ҳолларда автор зўрма-зўракиликка берилиб, қофиядаги жарангдорликни бузади (деворлан, анҳордай, ҳар сўзни, «дафтарингизни каби») (7-бет).

Поэма тилининг образлилиги ҳақида гапирилганда авторга бирор айб қўйиб бўлмайди. Бунда ҳам фақат ғояси мажбурияти билан ноўрин ишлатилган айрим сўзларнигина қайд этиб ўтиш мумкин. («Эсламаса бўларди дурust» каби).

Бироқ, бу нуқсонлар, юқорида эслатиб ўтганимиз каби поэманинг умумий қадр-қимматини белгилашда ҳал қилувчи ролни ўйнамайди.

Шунинг учун ҳам «Гулшан» поэмасини авторнинг ютуғи, унинг ижодий юксалиш йўлидаги биринчи катта тажрибаси деб қараш керак. Лекин бу унинг ижодида бир тажрибагина бўлиб қолади. Китобхонларимизнинг дид ва талабларини эътиборга олиб, янада яхши поэмалар яратиш, ижодий маҳоратни тинмай такомиллаштириш — ҳар бир ёзувчининг, шу жумладан шоир Жуманиёз Жабборовнинг ҳам шарафли бурчидир.

Ф. НАСРИДДИНОВ.

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

САҲРОДА ЖАНГ

Икки марта Қизил байроқ билан тақдирланган 82-отлиқ аскарлар полкининг эскадрони йўлга чиқди. 146 жангчидан иборат бўлган бу эскадрон икки кун босим йўл юргандан сўнг Баликчи қудуғи яқинида душманнинг 300 отлиқдан иборат олдинги отрядига дуч келди ва у билан жанг бошлади.

Жанг кўз очиб-юмгунча қизғин тус олди. Қўрбоши ҳамма имкониятларини ишга солиб, милтиқлардан ўқ ёмғирини ёғдирарди. Ҳаш-паш дегунча оз сонли эскадроннинг бир неча жангчиси ҳалок бўлди. Бироқ бу совет жангчиларининг мардлиги, сабот ва матонатини бука олмади. Эскадрон командири Степанов, сиёсий раҳбар Федоров, взвод командири Анжелло ўртоқлар мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, ўз жангчилари олдида бордилар. Уларнинг ҳар бири қалин саф тортиб келаётган душман суворилари устига биринчи бўлиб ташланди ва уларни омонсиз қирди. Душманнинг илғор отряди катта талофат кўриб, чекинишга мажбур бўлди.

Асир олинган босмачилар сўроқ қилинди, аҳолидан маълумотлар тўпланди. Ҳуллас, душман ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Босмачи отрядлари асосан Қоракўмнинг шимолий чеккаларида тўпланаётгани, айни вақтда узоқ саҳрода — Чаришли, Ўрта — Қуюв қудуқлари яқинида ва ҳатто Дарвозада душманнинг катта запасга эга бўлган йирик базалари борлиги маълум бўлди. Босмачи отрядлари ҳужумга тайёрланганларида запасларининг бир қисмини Ийд-Ҳовуз сойи ва Довдир қудуғи яқинига ҳам олиб келган эканлар.

Душманнинг ҳовуз яқинида тўпланган отрядларини тугатиш, уларнинг планларини барбод қилиш, шу билан совет ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва меҳнаткаш оммага барча хўжалик ва сиёсий вазифаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш керак эди. Туркистон фронти штаби томонидан операцияга юборилган кам сонли, аммо қалби революцион руҳ билан тўлиб-тошган, ниҳоятда мустаҳкам жиҳозланган эскадроннинг бутун куч ва ғайрати, матонати ана шу мақсадга қаратилган эди.

Қисмлар Ийд-Ҳовуз сойи — Довдир қудуғи, Нефес — Қора — Хўжасув йўналишида шиддатли жанг қилиб, душманни тор-мор келтирдилар. Беш кеча-кундуз давом этган ҳужум ва қаттиқ атакалардан кейин босмачилар йўл-йўлда кучли отрядлар қолдириб, шимоли-ғарбга чекина бошладилар.

Вазият тез ва чаққон ҳаракат қилишни, жадал илгарилаб боришни талаб этарди. Лекин куч ва воситалар бунга имкон бермас эди. Отлиқ аскарлар состави жуда толиққан, от-аравалар жанговар қисмдан ажралиб қолган, сув манбаълари — ёмғир суви тўпланадиган чуқурлар баҳор қуёшидан қақраб қуриб кетган. Қудуқлар ичида чекинган душман ташлаб кетган мурдалар ётарди.

Транспорт эскадронининг командири Али Муҳамадҳўжаев (ҳозир шахсий пенсионер) ана шундай оғир пайтда қаҳрамонларча ҳаракат қилди. У ташна жангчилар учун карвон билан сув келтирди. Бироқ бу сув ҳам кўпга етмади.

28 май куни Қизил Армия қисмлари 70 градуслик жазирамада 50 километрга яқин масофани сабот ва матонат билан босиб ўтди. Эскадрон ғоят қизиб кетган қум устида илгарилаб борди.

Атакаларда абжир, ҳеч қачон умидсизланмайдиган, доимо қувноқ қизил аскар Николайчук чанқоқликдан шишиб ва қуриб кетган лабини аранг қимирлатиб, сиёсий раҳбар Федоровдан сўради:

— Улар қаерда? Қани босмачилар?

Федоров жангчига бир назар ташлашнинг ўзидаёқ унинг қалбида душманга нисбатан газаб ва нафрат алангаси қайнаб-тошаётганини пайқади.

Куннинг иккинчи ярмида саҳрода ҳарорат яна кўтарилди. Барча аскарлар, бундан сўнг нима бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмай, мисдек қизиган қум устига гўё бирин-кетин узала тушиб ётиб қоладигандек эди. Лекин шундай бир пайтда ҳеч бир кутилмаганда кимдир қичқириб юборди:

— Босмачи!

Эскадрон жангчилари отларига жадал миниб, олдинга кетдилар. Разведкачилар 300 га яқин отлиқ босмачилар отряди баланд қум тепаликларида мудофаа позицияларини эгаллаб турганини хабар қилдилар.

Колонна бошлиғи илгор отрядга олди томондан ҳужумга ўтиш вазифасини топшириб, отлиқ аскарларнинг икки группасини мудофаада турган душманга ёнбошдан зарба беришга жўнатди. Қизил аскарлар сўнгги кучларини жамлаб, душманга атака қила кетди. Тез ва қатъий ҳаракат, революция ишига садоқат ғалабани таъминлади.

Босмачилар қўрбошиси қизил аскарлар қисмининг етмиш градуслик жазирамада шунчалик олис масофани босиб ўтаолиши ва мардона жанг қилишини афтидан ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Шу сабабли у қўққисдан бўлган ҳужмдан саросимага тушиб, шошиб қолди. Қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва ўқ-дори ортилган мингта яқин туяни ва олти мингдан ортиқ қўйни қудуқ яқинига ташлаб қочди. Бу ўлжалар кейинчалик камбағаллар ихтиёрига берилди.

Оғир синовдан муваффақиятли ўтиш учун мустаҳкам ирода зарур. Совет жангчиларида бундай ирода мавжуд эди. Қизил аскар Сидорчук ва мардларча ҳалок бўлган эскадрон командири Степанов ўрнини босган Анжелло чуқурлиги 30 метрча келадиган, деярлик ўндан бир қисми қум ва мурдалар билан тўлдирилган қудуқни тозалаб сув юзини очдилар.

Саҳрода ўтказилган оғир ва машаққатли кунларда қизил аскарлар орасида бирорта ҳам жасоратсиз, умидсиз жангчи кўзга ташланмади.

Жангчилар сув олгач, яна олга томон кетдилар. Улар бир ойдан кўпроқ вақт давомида саҳрода душманни изма-из қувиб бордилар. Оғир машаққатларни бошдан кечириб ва талофатлар бериб, қаҳрамон жангчилар ўз вазифаларини шараф билан бажардилар — душманни батамом тор-мор этдилар.

Подполковник К. ЯЧМЕНЕВ.

Суратда: отлиқ аскарлар отряди босмачилар изидан бормоқда.

Чет Элларда

Сайфулислом Муҳаммад Албадр Қоҳирага келди

ҚОҲИРА, 5 февраль. (ТАСС). Яман валиаҳд шаҳзодаси, бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сайфулислом Муҳаммад Албадр бир қанча министрлар ва бошқа расмий кишилар билан бирга Қоҳирага келди.

Миср газеталарининг хабар беришича, амир Албадр Яман короли Имом Аҳмаднинг топшириғига мувофиқ, федерал иттифоқ асосида Яманнинг Бирлашган Араб Республикасига қўшилиши тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун келган. «Алаҳром» газетасининг ёзишича, амир Албадр бу масала юзасидан Жамол Абдил Носирга Имом Аҳмаднинг махсус мактубини топширади.

АҚШда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини учириш муваффақиятсиз чиқди

ВАШИНГТОН, 5 февраль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг берган хабарига қараганда, бугун Нью-Йорк вақти билан 02 соат 34 минутда (Москва вақти билан 10 соат 32 минутда) АҚШда «Авангард» ракетаси ёрдами билан Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини учиришга уриниб кўрилди. Бир неча минут ўтгандан кейин мудофаа министрлигининг хабар беришича, «Авангард» ракетаси учирилгандан кейин кўп ўтмай ҳавода портлаган.

ДАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КОПЕНГАГЕН, 5 февраль. (ТАСС). «Ланд ог фольк» газетаси Дания Коммунистик партияси Марказий Комитети пленумининг коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 йил ноябрда бўлиб ўтган кенгаши тўғрисида партия раиси Аксель Ларсен доклади юзасидан қабул қилган резолюциясини босиб чиқарди.

Резолюцияда бундай дейилади: Дания Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилди:

1. 64 партия вакилларининг кенгашида тузилган ва қабул қилинган Тинчлик манифести маъқуллансин ва қўллаб-қувватлансин. Марказий Комитет тинчликни сақлаш учун курашни партиянинг актуал ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисоблайди ҳамда партиянинг ҳамма кучларини ана шу вазифани ҳал этишга сафарбар қилади.

2. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашининг Декларацияси қўллаб-қувватлансин ҳамда бу Декларация партиянинг бутун фаолиятига асос қилиб қўйилсин. Партиянинг ҳамма инстанциялари ва ташкилотлари Декларациядаги анализни ва илгари сурилган вазифаларни ўзлаштириб олиш ва шундай қилиб Декларациядаги идеяларни амалий фаолиятларида татбиқ қила билиш учун уни асосли равишда ўрганиб чиқишлари лозим.

СУРИЯ ЧЕГАРАСИДА ИСРОИЛ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

ДАМАШҚ, 5 февраль. (ТАСС). Сурия ҳарбий қўмондонлиги вакилининг матбуот вакилларига билдиришича, кеча эрталаб қуролланган 60 солдатдан иборат Исроил отряди 4 бронемашина ва «мистер» типидаги самолёт ёрдами билан шимолдаги демилитаризация қилинган зонага ўтган. Ўша куниёқ Исроилнинг «мистер» типидаги 4 самолёти Суриянинг ҳаво чегарасини бузиб ўтган. Шу муносабат билан, Сурия томони яраш бўйича тузилган аралаш комиссиясига шикоят билан мурожаат қилиб, демилитаризация қилинган зонадан Исроил қўшинларининг дарҳол олиб чиқиб кетилишини ҳамда Сурияга қарши иғвогарликларнинг бундан буён тўхтатилишини талаб қилган.

Сурия ташқи ишлар министрлиги БМТдаги ўз доимий вакилига телеграмма юбориб, Исроилнинг бу иғвогарликларини Хавфсизлик Кенгаши раисига маълум қилиш ҳақида кўрсатма берган.

ЮГОСЛАВИЯДА ДАВЛАТГА ҚАРШИ ГРУППАНИНГ ИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

БЕЛГРАД, 4 февраль. (ТАСС). ТАНЮГ агентлигининг хабар беришича, Белград округ судида Б. Крекич, А. Павлович ва М. Жуйовичларнинг давлатга қарши группаси устидан суд тамом бўлди. Улар меҳнаткашларнинг ҳокимиятини ағдариш ва Югославиянинг миллий бирлигига путур етказиш мақсадида душманлик фаолияти олиб боришда айбландилар.

Суд Б. Крекични 7 йил, А. Павловични 8 йил ва М. Жуйовични 4 йил муддат билан қаттиқ қамоқ жазосига ҳукм қилди. Айбланувчи Д. Странякович бу судда гувоҳ бўлди. Унинг иши алоҳида кўрилади.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯДА ДЕМОКРАТИК ТАШКИЛОТЛАРГА ҚАРШИ РЕПРЕССИЯЛАР

БОННН, 5 февраль. (ТАСС). Ғарбий Германияда демократик ташкилотларга ва прогрессив руҳда бўлган кишиларга қарши репрессиялар давом этмоқда. Кеча Германия Федератив Республикасининг полиция маъмурлари яна учта жамоат ташкилотини: «Демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи Марказий бирлашма», «Демократ-юристларнинг ҳамкорлиги» ва «Қочоқларнинг Ғарбий Германия конгресси» ташкилотларини тақиқлади. Бу ташкилотлар гўё «Германия Федератив Республикасининг конституциясига қарши фаолият» олиб бораётган «ниқобланган коммунистик ташкилотлар» деб айбланмоқдалар. Дюссельдорфда, Вупперталда, Брауншвейгда ва бошқа шаҳарларда ана шу ташкилотлар аъзоларининг квартираларида полиция тинтувлар ўтказган.

Ер иккинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 6 февраль эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 1.350 марта айланиб чиқди. Ҳаво очиқ бўлганда иккинчи сунъий йўлдошни қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 0 градусидан 46 градусигача ва жанубий кенгликнинг 0 градусидан 63 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин. (ТАСС).

ЕНҒИНГА ҚАРШИ АВТОМАТИК ЧАСОВОИЛАР

ЛЕНИНГРАД, (ТАСС). Ёнғинга қарши-техника доимий виставкасида янги асбоблари диққатни жалб қилмоқда. Булар ёнғин пайдо бўлганлигидан дарак берадиган автомат асбоблардир. Бу асбоблар ёнғинга қарши мудофаа илмий-текшириш марказий институтининг ходимлари томонидан конструкция қилинган бўлиб, уларнинг намуна нусхалари Ленинград телефон заводида ишланган.

Экскурсия раҳбари гугурт чақиши билан шу онда залнинг нариги бошидаги махсус пультда қизил лампочка ёниб кетади. Звонок чалинади ва репродуктордан: «Дарҳол ўтни ўчиринг!» деган овоз эшитилади.

Бу асбобнинг тузилиши содда бўлиб, аланга пайдо бўлганда унинг механизми нур таъсиридан ишлай бошлайди.

Иккинчи «АТИМ» номли асбоб ҳам худди шундай вазифани бажаради, лекин у иссиқлик энергияси таъсири билан ишлайди. Учинчи «ДАПИ» номли асбоб эса бинода тутун пайдо бўлганда тутун таъсиридан автоматик равишда ишлай бошлайди.

Ҳозир Ленинград телефон заводида нур таъсири билан ишлайдиган ана шундай автоматларнинг дастлабки партияси ишлаб чиқарилди.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН РУБЦОВА БИЛАН БИКОВА ЎРТАСИДА РЕВАНШ МАТЧИ

Ольга Рубцова шахмат бўйича жаҳон чемпиони номини олганидан буён ҳали икки йил ҳам ўтгани йўқ. Ўндан илгари жаҳон чемпиони бўлган Елизавета Бикова реванш матчи ўтказиш ҳуқуқидан ҳозирдаёқ фойдаланишга қарор қилди. 4 февралда Москвада рақиблар ўртасида ўтказиладиган 16 ўйиннинг биринчиси ўйналди. Бу ўйинни О. Рубцова ютди. (ТАСС).

Телеграф хабар қилади

✦ Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши мин ва президентнинг ҳамроҳлари — бош министрнинг ўринбосари ва ички ишлар министри Фан Ке Тоай, министр Фам Хун, савдо министри Фан Ань ва маданият министри Хоанг Минь Зиам расмий визит билан Деҳлига келдилар.

✦ Прагада социалистик мамлакатлар вакилларининг социал таъминот масалаларига бағишланган кенгаши очилди, СССР делегациясига РСФСР Социал таъминот министри Н. А. Муравьева бошчилик қилмоқда.

✦ Туркия президенти Жалол Баёр беш кунлик визит билан Тароблисга келди. Президентга Туркия ташқи ишлар министри Зорлу ва бир қанча юқори мансабдаги амалдорлар ҳамроҳ бўлиб келдилар.

✦ Жакартадаги Совет элчихонаси ва «Индонезия-СССР» жамияти Жакартада «Совет кинематографиясининг 40 йиллиги» виставкасини очдилар. Виставкани очиш маросимида Жакарта мэри Судиро нутқ сўзлаб, виставка индонез халқини совет кинематографиясининг муваффақиятлари билан таништирибгина қолмай, шу билан бирга даставвал индонез ва совет халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришга ёрдам беради, деди.

✦ Москва циркининг артистлари Мисрда икки ҳафтадан ортиқ вақтдан бери тамоша кўрсатмоқдалар. Искандарияда цирк тамошалари зўр муваффақият билан ўтди. Бу ерда ўтказилган 25 тамошани 125 мингга яқин киши кўрди.

5 февраль. (ТАСС).

Телевизор экранида

7 ФЕВРАЛДА

19.30 Ўзбек давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблининг концерти.

21.00 Бадиий фильм — «Она меҳри».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ФАН ОЛАМИДА

Антибиотиклар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Тупроқда кўп миқдорда шундай микроблар — антагонистлар борки, улар ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига тўскинлик қилувчи касалликларни йўқотиш қобилиятига эгадир. Микроблар ўзларида химик жиҳатдан актив модда — антибиотиклар ҳосил қилиб, ўсимликни касаллантирадиган микробларга қарши курашади. Микроблар — антагонистлар ўз рақобатчиларини ўлдириш учун ўзларида алоҳида заҳарлар, токсинлар ёки антибиотик моддалар ишлаб чиқариш қобилиятига эгадирлар. Улар ўсимлик ёки ҳайвонни касаллантирувчи микроблар ҳужайрасига салбий таъсир кўрсатади. Аммо ўсимлик ва ҳайвон организмининг ҳужайрасига зарар етказмайди.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси профессор Н. А. Красильников раҳбарлигида нўхот, буғдой, беда, пахта ва бошқа ўсимликлар устида олиб борилган жуда кўп ва ишончли тажрибалар натижаси (1946-1951 йиллар) шуни кўрсатадики, ўсимликлар антибиотик моддаларни ўзлаштириш хусусиятига эга эканлар. Пенициллин, стрептомицин ва грамицидин каби антибиотиклар ўсимлик ҳужайрасига унинг иллизи орқали юборидали ва у организмнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда 1949-1950 йилларгача ҳайвон ва ўсимликларнинг касаллигига қарши курашда антибиотиклардан фойдаланиш проблемасини ўрганиш билан шуғулланилмас эди. Микроб ва ўсимликлардан чиқиқан антибиотикларни маҳаллий иқлим шароитида ўрганиш проблемаси билан дастлаб ёш олимлар — биология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти микробиология лабораториясининг илмий ходимлари С. А. Асқарова ва О. Абдуллаева ўртоқлар шуғуллана бошладилар. Илмий ходим Салима Асқарова микроблардан ҳосил бўлган антибиотикларни кидириб топиш ва улардан қишлоқ хўжалиги экинлари касаллигига қарши курашда фойдаланиш юзасидан кўпгина фойдали тажрибаларни қилиб кўрди. Масалан, у пахта, каноп, жут ва Ўрта Осиёда ўсадиган бошқа экинларга антибиотикларни таъсир эттириб, яхши натижага эришди. Ёш олима бу соҳадаги ишини машҳур микробиолог Н. А. Красильников раҳбарлигида муваффақиятли давом эттирмоқда.

Ҳаммага маълумки, кенг тарқалган гоммоз ва барги сўлиш касаллигидан пахтанинг, илдиз чириш касаллигидан эса каноп ва жутнинг ҳосили нобуд бўлади. Ана шу касалликларга қарши курашда биологик методдан, яъни микроб ва ўсимликлардан олинадиган антибиотиклардан фойдаланиш бошқа методларга қараганда яхши натижа беради. Шу билан бирга, антибиотиклар ўсимликнинг бошқа касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади.

Қишлоқ хўжалик экинлари касаллигига қарши курашда ўсимликлардан чиқиб турадиган антибиотик модда — «фитонцид»лар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Яқинлагина совет фани кўп дарахтлар, бута ва ўтларнинг бактерияларни ўлдирадиган хусусиятга ёки фан тили билан айтганда, «фитонцид» хусусиятига эга эканлигини аниқлади. Ўсимликларнинг ўзида микроорганизмларни ўлдирадиган моддалар ажратиб чиқариш «фитонцид» хусусияти деб айтилади.

Маълумки, ўсимликлар ўз танаси жароҳатланган пайтда ўзини ўзи химоя қилишга ҳаракат қилади. Бунда мазкур ўсимлик «фитонцид»лар чиқаради. Аммо шундай ўсимликлар ҳам борки, улар жароҳатланмаган тақдирда ҳам ўзидан ташқарига «фитонцид»лар чиқариб туради. Бу «фитонцид»ларнинг баъзиси ўткир ҳидли бўлиб, баъзиси майда-майда томчи бўлиб тарқалади. «Фитонцид»лар ўсимликнинг танасида, куртагида, гулида ёки организмнинг бошқа бирор қисмида тайёрланиши мумкин.

Боғ, ўрмон ва парклардаги дарахт ҳамда гуллар ўзларидан ҳид орқали «фитонцид»лар ажратиб чиқаради. Бу модда эса шаҳар ҳавосини зарарсизлантириб туради, фақат зарарли бўлган микроорганизмларни ўлдириб қолмай, шу билан бирга юқумли касалликларни ташувчи микроблар-нинг кўпайиб кетишига ҳам йўл қўймайди.

Қайин, эман, гледичия, ёнғоқ, жийда, арча, терак, қарағай, эвкалипт, шафтоли, ўрик, жилон жийда, смородина, малина, шумурт, клюква ва бошқа кўпгина ўсимликлар «фитонцид» моддаларини ўзларидан кўпроқ ажратиб чиқарадилар.

Олимларнинг тахминича, ёнғоқнинг барги ва гули эфир ёғидан ташқари турли ҳашаротларни қайдовчи заҳарли «фитонцид»лар чиқаради.

Кўпгина ўсимликларнинг янги юлиб олинган барги бактерия ва микробларни ўлдириш хусусиятига эгадир. Масалан, чеснок ёки пиёздан қилинган бўтқа дизентерия, вабо ва тиф бактерияларини дарҳол ёки бир минут давомида ўлдириш хусусиятига эгадир. Эман дарахти баргининг «фитонцид»лари эса дизентериянинг бошланишига сабаб бўлувчи бактерияларни ўлдира олади. Майдаланган шумурт баргининг ўндан бир грамми бир минут ичида пашша, сўна ва канани ўлдириш хусусиятига эгадир. «Фитонцид»ларнинг ана шу хусусиятларидан медицинада даволаш ишларида фойдаланилмоқда.

Бир туп арча дарахти ўзидан бир кунда 30 грамм учиб юрувчи «фитонцид» модда ажратиб чиқаради. Бир гектар ердаги арча ўрмони эса бир кунда атмосферага 30 килограмм учиб юрувчи модда ажратиб чиқаради. Шу миқдордаги «фитонцид» катта бир шаҳар ҳавосини бактериялардан халос қилиши мумкин. Бизда аҳоли саломатлигини кўзлаб шаҳарлар ва бошқа кишилар кўп яшайдиган жойларда арча дарахтлари ўстиришни йўлга қўйиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Ленинград давлат университетининг профессори Б. П. Токин текширишлар олиб бориб, 500 дан ортиқ дарахт ва ўсимлик ўзидан «фитонцид»лар ажратиб чиқаришини аниқланган. Мамлакатимиз флорасида «фитонцид» хусусиятига эга бўлган дарахт ва ўсимликларнинг кўплиги кишиларни даволаш учун хизмат қиладиган махсус санаторийлар богига ана шу дарахтлардан кўплаб экиш имконини беради. Бу дарахтлардан ҳавога тарқалиб турган фойдали ҳидлар эса беморнинг ўпкасига, қон ҳаракатига яхши таъсир кўрсатиши мумкин.

«Фитонцид»ларни амалда қўлланиш халқ ўртасида илгаритдан маълум бўлса ҳам, аммо илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Совет олимлари — профессор Б. П. Токин, унинг шогирдлари А. Филатова, А. Тебякина ва бошқа кўпгина тадқиқотчилар бу проблемани илмий жиҳатдан асослаб бердилар.

Кўпгина тажрибалар натижасида эвкалипт, хрен ва горчицанинг «фитонцид»лари гўза учун зарарли бўлган бактерияларни ўлдира олиши аниқланди. Айрим ўсимликларнинг «фитонцид»лари юздан ортиқ техника ўсимликлари, сабзавот экинлари, гул ва манзарали дарахтларни зарарлантирувчи ўргимчакканани ўлдира олади. Масалан, пиёз барги ивитилган сув (20 грамм пиёз барги бир литр сувга солинади) билан ўсимликка орадан беш кун ўтказиб уч марта пуркалса, ўсимдикдаги ўргимчаккана сони 95 процентга камаяди.

«Фитонцид»лардан асалчиликда ҳам фойдаланилади. Асаларининг европалик чириш касалига дучор бўлиши энг ҳавфлидир. Бу касалга сабаб бўлувчи бактерия яқинда топилди, уни плутон деб аталади. Бу бактерияни кўкўт ўсимлиги «фитонцид»лари ёрдами билан ўлдириш мумкин. Европалик чириш касаллиги билан оғриган асаларини ана шу «фитонцид» ёрдами билан даволаш усуллари ҳам ишлаб чиқилган.

Ёш олима Оҳтобхон Абдуллаева Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти микробиология лабораториясининг мудири, техника фанлари кандидати Е. И. Квасников раҳбарлигида сўнгги 7-8 йил ичида Тошкент областида ўсадиган 700 хилдан ортиқ ўсимликни текшириб кўрди. У ана шу ўсимликларнинг кўпчилигида антибиотик хусусиятлар борлигини аниқлади. Кўпгина экспериментал анализлар асосида тадқиқотчи озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва консерва қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келди. Ўртоқ Абдуллаеванинг яна бир муҳим кашфиёти шундаки, у биринчи бўлиб гледичия дарахтида, ёввойи пиёз, шафтолининг гул ва барглари ва ҳам антибиотик хусусият борлигини ҳамда уларнинг ҳаракат спектрини аниқлади. Ёш олима кашф этган «фитонцидлар» халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика Фанлар академиясининг президиуми колхоз ва совхозларда пахта, жут, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши курашда фойдаланиш мумкин бўлган антибиотикларни оммавий тусда ишлаб чиқариш учун республикада махсус антибиотиклар лабораторияси ташкил этиб, уни ҳозирги замоннинг энг янги техникаси ва малакали илмий кадрлар билан таъминлаши зарур. Ана шундагина «фитонцид»лардан халқ хўжалигида янада самаралироқ фойдаланиш мумкин бўлади.

Камол ОРИФХОНОВ,
Ўрмон хўжалиги инженери.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/II да **Алишер Навоий**, 8/II да **Йўлчи юлдуз.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8, 9 ва 11/II кеч соат 8 да янги спектакль **Дилором** (5 парда, 7 кўринишли опера).

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Кулги кечаси».** Кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз янги киноповесть **«Восемь» шахтасидаги воқеа**, кечқурун **кеш** экранли фильм **Партизан учқуни.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Қалдирғоч**, кундуз ва кечқурун **«Восемь» шахтасидаги воқеа.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **«Восемь» шахтасидаги воқеа.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА ЯНГИЛАНҒАН СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Уйғун** асари.
композитор **М. Левиев** музикаси

Олтин кўл

4 пардали музикали комедия.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев**, дирижёр — **Н. М. Гинзбург** ва **Ф. Назаров**, рассом — **Г. А. Визель**, балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Е. Н. Барановский.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

8 ва 9 февралда
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ

концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, артистлардан **Башорат Хўжаева, Тўхта Рисметова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 ярим-да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА «ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ» БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ
сиёсий мактаб ўқувчилари ва мустақил ўқувчилар учун
ўзбек тилида

„СИЁСИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ“
НОМЛИ ДАРСЛИК-ҚЎЛЛАНМА

босиб чиқарди

Дарслик 525 бетдан иборат. Баҳоси — 6 сўм 25 тийин.

Бу дарслик барча китоб магазинлари ва киоскаларида сотилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 02618. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-402.